

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК



Қумқўрғон тумани ФВБ ходимлари ҳамда туман Газ таъминоти корхонаси ходимлари ҳамкорликда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, ушбу мавсумни беталофат ўтказиш, ис газидан захарланишнинг олдини олиш каби масалаларга қаратилган семинар ташкил этилди.

Семинарда ФВБ ходимлари томонидан юз бериши мумкин бўлган нохуш ҳолатлар, уларнинг олдини олиш бўйича керакли тавсиялар айтиб ўтилди.

Шунингдек, мутасаддилар томонидан туманнинг "Навбаҳор" МФЙ даги аҳоли яшаш хонадонлари текширилиб, фуқароларга тегишли тартибда йурикномалар берилди.